

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УМУРЗАКОВА ГАВХАРОЙ ИСЛАМОВНА

**ЎШ АҲОЛИСИ МИСОЛИДА ИНСУЛЬТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ “ҚАТТИҚ ЯКУНИЙ
НУҚТАЛАРИ” (ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ВА
МЕТЕОХРОНОПРОФИЛАКТИКА АСПЕКТЛАРИ)**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умурзакова Гавхарой Исламовна

Ўш аҳолиси мисолида инсульт ривожланишининг минтақавий хусусиятлари ва унинг “қаттиқ якуний нуқталари”(эпидемиология ва метеохронопрофилактика аспектлари)..... 3

Умурзакова Гавхарой Исламовна

Региональные особенности развития инсульта и «твердых конечных точек» от него в примере населения г. Оша (аспекты эпидемиологии и метеохронопрофилактики)..... 25

Umurzakova Gavkharoi Islamovna

Regional features of the development of stroke and “hard end points” from it in the example of the population of Osh (aspects of epidemiology and meteocho-ro-noprohylaxis)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.11.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТ

УМУРЗАКОВА ГАВҲАРОЙ ИСЛАМОВНА

**ЎШ ШАҲРИ АҲОЛИСИ МИСОЛИДА ИНСУЛЬТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УНИНГ “ҚАТТИҚ ЯКУНИЙ НУҚТАЛАРИ” (ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ВА
МЕТЕОХРОНОПРОФИЛАКТИКА АСПЕКТЛАРИ)**

14.00.43 – Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қирғиз Республикаси Жанубий бўлим Миллий фанлар академияси тиббиёт-биология муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш вебсаҳифасида (info@adti.uz) ва «ZiyoNet» (www.ziynet.uz) ахборот таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мамасалиев Нематжан Салиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бадритдинова Матлюба Нажмидиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Салохиддинов Адил Салохиддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фаргона давлат тиббийот институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/.30.11.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50, e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел.: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И.Ю.Маматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Д.З. Мамарасулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.С.Хакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси).

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда амалиётда инсулт ва унинг натижасида ўсиб бораётган “қаттиқ якуний нуқта” (ўлим, касалланиш, шошилиш касалхонага ётқиши) нафақат бемор учун муҳим юк, балки замонавий тиббиёт, айниқса превентив фан учун чақирув бўлиб, қайсики янги самарали профилактика стратегияларини излашни талаб қилади. ЖССТнинг статистик маълумотларига кўра «...дунёда ҳар йили 4,7 миллион киши инсултдан вафот этади¹». Бунда кўплаб беморлар оғир ногирон бўлиб қоладилар. Беморларнинг катта қисми оғир ногирон бўлиб қолмоқда. Дунёда ўлимнинг 10 та асосий сабаблари орасида инсулт 3-ўринни эгаллайди. Инсулт ҳолатларининг 100 тадан 75 таси ўзгартириб бўладиган омил гипертензия (35-40%) ва инсултнинг кўпчилиги “якуний нуқталарида” ушбу “индамас қотил” ва жамоат соғлиғини сақлашнинг глобал кризисини ўз вақтида аниқлаш ва кейинчалик иккиламчи профилактикаси орқали олдини олиш мумкин. Асосан, инсултнинг ривожланишига нафақат артериал гипертензия (АГ), балки бошқа ўзгартириб бўладиган хавф омиллари (ЎБХО)-гиподинамия, стрессли вазиятлар, чекиш, семизлик ва сувсизланиш, шунингдек метеоклиматик об-ҳаво омиллари сабаб бўлади.

Дунёда инсултнинг олдини олиш илмий нуқтаи назаридан бу масалалар ноқулай иқлимли ҳудудларда етарлича ўрганилмай қолмоқда. Сўнги йилларда яқин ва узоқ хорижий тадқиқотчилар томонидан юқумли бўлмаган касалликларнинг ривожланиши ва кечишининг иқлимметеопатоген механизмлари фаол ўрганилмоқда. Юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларнинг иқлим ва об-ҳавонинг хавф омиллари билан боғлиқлиги ушбу патологияларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасининг маълум жиҳатларини, хусусан инсулт мисолида алоҳида популяциялари ва ҳудудларда клиник - биоритмологик кузатувлар орқали қайта куриб чиқиш имконини берган. Сўнги ўн йилликларда глобал иссиқлик ва иқлим ўзгаришининг мисли кўрилмаган юқори даражаси ташвишга солмоқда. Иқлим ўзгариши аҳоли саломатлигига, ўткир ва сурункали юқумли бўлмаган касалликларнинг шаклланишига таъсир қилувчи етакчи омиллардан бири сифатида қаралмоқда.

Қирғизистонда 2010-2012 йилларда, Қирғизистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа бюросининг қўшма лойиҳаси доирасида иқлим ўзгаришининг Қирғизистон аҳолиси саломатлигига таъсирини баҳолаш бўйича “2011-2015 йилларда соғлиқни сақлаш секторининг иқлим ўзгаришига мослашуви” лойиҳаси ишлаб чиқилган³. Ишлаб чиқилган дастур Бишкек шаҳрида олиб борилган кенг камровли тадқиқотларга асосланган бўлиб, тавсиялар фақатгина Чуй водийси аҳолисига тарқатилиши мумкин бўлган. Қирғизистоннинг Фарғона водийси томони бошқа климатогеографик ҳудудга тегишли. Қирғизистон жанубининг

¹ The World Development Report 2019: The Changing Nature of Work, 2020

² Третье национальное сообщение Кыргызской Республики по Рамочной конвенции ООН об изменении климата. – Б.: ОсОО «Эль Элион», 2016. – 274 с.

пасттекислик ва паст тоғли худудлар аҳолиси иссиқ иқлимга кўпроқ мослаштирилган бўлиб, уларнинг соғлиғига таъсири ЖССТнинг янги услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда ўтказилмаган. Метеосезгир беморлар учун метеопрофилактика лойиҳалари амалга оширилмай қолган. Бироқ, Қирғизистоннинг жанубий вилоятларида ушбу йўналишда махсус тадқиқотлар ўтказилмаган ва қирғиз популяциясида инсултни метеобашоратлаш ва хронометеопрофилактикаси бўйича тавсиялар ва минтақавий алгоритмлар ишлаб чиқилмаган. Ушбу муаммолар илмий ечимларни талаб қилади, бунинг учун истиқболли клинометеорологик кузатувлар ва эпидемиологик тадқиқотлар талаб қилинади.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Қирғизистон Республикасининг 2024 йил 12 январдаги ЗКР-14 “Қирғизистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 2018 йил 20 декабрдаги ХҚ-600-сон “Қирғизистон Республикаси Ҳукуматининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини 2019-2030 йилларда ривожлантириш “Соғлом инсон – обод юрт” дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотларда ўткир бош мия қон айланишининг бузилишини ўтказган беморларда реабилитацион даволаш ва эрта тикланиш даврининг асосий масалаларини ёритиб берилган. Муаллифлар томонидан инсултдан кейинги ҳолатнинг 4 та асосий даври ва реабилитация чора-тадбирларни талаб қилувчи устувор неврологик синдромлар, яъни учламчи ва тўртламчи профилактика ажратиб кўрсатилган. Олиб борилган таҳлил давомида тадқиқотчилар томонидан эрта тикланиш даврида реабилитацион даволашни қабул қилган пациентларда йўқотилган функцияларни тиклаш даражаси юқори эканлигидан далолат берувчи натижа олинган (Мустафаева А.С. ва бошқ., 2018й.).

Шунинг учун скрининг, профилактика ва реабилитация масалаларини ишлаб чиқиш ЎМҚАБ ўтказган шахсларда ёки инсултдан олдинги ҳолатлар билан популяция учун энг муҳим устувор вазифалардан биридир. Замонавий тадқиқотчиларнинг тадқиқотларига кўра, инсулт билан беморларнинг аста-секин “ёшариши” юзага келмоқда. Шундай қилиб, А.Н. Белова тадқиқотларининг натижаларига кўра, ҳозирги вақтда касаллик ҳолатларининг 30% игача 65 ёшгача бўлган шахсларга тўғри келади. Яна бир катта VALUE тадқиқоти натижалари тақдим этилган бўлиб, унда АҚБ ни пасайтириш МИ га қараганда инсулт ривожланиш хавфини кўпроқ камайтиришидан далолат беради (Julius S., Kjeidsen S.E., Weber M. et al., 2004).

12 миллион катта ёшдаги пациентлар жалб қилинган 61 та истиқболли тадқиқотларнинг мета-таҳлилига асосланиб, АБнинг ЮҚТК (юрак-қон томир касаллиги) га таъсири таҳлил қилинди. Тадқиқот даврида 56000 ўлим қайд этилди, шундан 34000 (60,7%) ЮИК билан боғлиқ бўлган ва 12000 (21,4%) ҳолат эса инсулт туфайли юзага келган (Remington S., 2002). Умуман олганда, юқоридаги адабиёт маълумотлари, шубҳасиз, инсултни эрта аниқлаш, олдини олиш, консерватив ва ҳатто жарроҳлик даволаш муаммосини ҳал қилинган деб ҳисоблаш мумкин эмаслигига ишонтиради. Асосан эпидемиологик характерга эга бўлган, муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ва уларни ўрганиш ва ҳал қилишни талаб қиладиган бир қатор масалалар мавжуд, шу жумладан Қирғизистон ва мамлакат минтақаларида.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон Давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўш шаҳрининг иқлим ва об-ҳаво омилларини ҳисобга олган ҳолда инсултнинг тарқалиши, ривожланишининг минтақавий хусусиятлари ва хронометреопрофилактикасини ва ундан “қаттиқ сўнгги нуқталарни” ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қирғизистон жанубида инсултлар тарқалишининг минтақавий эпидемиологик хусусиятларини, шунингдек, унинг “қаттиқ якуний нуқталари” шаклланишининг метеопатоген механизмларини илмий асослаш.

Ўш шаҳри аҳолисида мия инсултларининг мавсумий, ойлик, суткалик ва соатлик биоритмларини аниқлаш, уларга таъсир этувчи метеорологик омилларни илмий жиҳатдан баҳолаш.

инсултларнинг хронобиологик мониторинг ва прогнозлаш тизимини ишлаб чиқиш;

минтақанинг кескин континентал иқлим шароитида инсултлар ва уларнинг оғир асоратларини камайтиришга қаратилган хронометеопрофилактик чора-тадбирлар, тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қирғизистон жануби иқлим шароитида доимий яшовчи 382 нафар инсулт билан беморлар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети инсулт ривожланиши, кечиши ва асоратларининг эпидемиологик ва иқлимий-клиникбиоритмологик хусусиятларини комплекс ўрганиш ва аниқлаш бўлган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва олдинга қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун эпидемиологик, клиник-инструментал, биокимёвий, биоклиматик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор Қирғизистон жанубида инсултнинг тарқалиши ва «қаттиқ якуний нуқталари» (ўлим, ногиронлик ва шошилиш ётқизиш ҳолатлари) шаклланишининг иқлим-метеопатоген механизмлари комплекс

эпидемиологик ва клиник-метеорологик усулларда исботланган;

биринчи марта Ўш шаҳри шароитида мия инсультларининг мавсумий, ойлик, суткалик ва соатлик биоритмлари аниқланиб, метеорологик омилларнинг касаллик ривожланишига таъсири илмий асосланган;

илмий асосланган метеорологик омиллар таъсирини ҳисобга олувчи инсультларнинг хронобиологик мониторинг ва прогнозлаш тизими ишлаб чиқилган;

ҳудуднинг кескин континентал иқлим шароитида инсультлар ва уларнинг оғир асоратларини камайтириш бўйича илмий асосланган хронометеопрофилактик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Илк бор Қирғизистон жанубида инсультнинг тарқалиши ва «қаттиқ якуний нуқталари» (ўлим, ногиронлик ва шошилиш ётқизиш ҳолатлари) шаклланишининг иқлим-метеопатоген механизмлари комплекс эпидемиологик ва клиник-метеорологик усулларида исботланган;

биринчи марта Ўш шаҳри шароитида мия инсультининг ойлар, суткалар ва соатлар, бедорлик ва тунги уйқу даврлари бўйича мониторинги ва хронометеопрофилактикаси учун тавсия этилган тизимлар ушбу патологиянинг ҳар қандай шакллариининг кечишини 60,3% дан 63,0% гача юмшатишга, уларни эрта аниқланишини 95,8% гача ошириш ва инсульт натижасида ўлимни камида 2 мартага камайиши аниқланган;

ҳудуднинг кескин континентал иқлим шароитида инсультлар ва уларнинг оғир асоратларини камайтириш бўйича илмий асосланган хронометеопрофилактик тавсиялар ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган клиник-метеорологик текширув, хронобиологик мониторинг, башоратлаш ва хронометеопрофилактика моделидан фойдаланиш инсультни даволаш ва профилактика-реабилитация дастурларини, мавжуд ташхисот усуллариини оптималлаштириш ва такомиллаштириш имконини бериши аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотлари натижаларининг ишончлилиги ишда белгиланган мақсад ва вазифаларга мос келадиган эпидемиологик-клиник ва клиникометеобиоритмологик ва хронобиологик кузатувларнинг етарли сони, ишда баён этилган илмий баёнотлар, хулосалар ва тавсиялар жадвал ва рақамларда аниқ кўрсатилган ишончли далилли маълумотлар билан тасдиқланганлиги, олинган натижаларни тайёрлаш, статистик қайта ишлаш, талқин қилиш, ахборотни қайта ишлаш ва статистик таҳлилнинг замонавий усуллариининг фойдаланган ҳолда амалга оширилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсульт бўлган беморларни клиник-метеорологик кузатиш ва хронобиологик текшириш ва уларнинг иқлим об-ҳаво омиллари билан ўзаро алоқаси даражасини ўрганиш усули ишлаб чиқилганлиги, инсульт шаклланишининг эпидемиологик хусусиятлари ўрганилганлиги, илк марта Қирғизистон жануби шароитида инсультдан

“қаттиқ сўнгги нуқталар” ривожланишининг метеопатоген механизмлари ўрганилганлиги ва баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган клиник-метеорологик текширув, хронобиологик мониторинг, башоратлаш ва хронометеопрофилактика моделидан фойдаланиш инсультни даволаш ва профилактика-реабилитация дастурларини, мавжуд ташхисот усулларини оптималлаштириш ва такомиллаштириш имконини бериши, тавсия этилган башоратлаш жадваллари оддий, тежамкор ва тиббий ёрдамнинг ҳар қандай соҳаларида йиллик амалий фойдаланиш учун қулай ва инсульт хизматлари сифатини айниқса кескин континентал иқлими бўлган ҳудудларда кескин яхшилаши, мия инсультининг ойлар, суткалар ва соатлар, бедорлик ва тунги уйку даврлари бўйича мониторинги ва хронометеопрофилактикаси учун тавсия этилган тизимлар ушбу патологиянинг ҳар қандай шакллариининг кечишини юмшатиши, уларни эрта аниқланишини ошириши ва инсульт натижасида ўлимни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/17 ракамли хулосасига кўра (илмий янгиликларини бошка соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 10 декабрдаги №10-сонли хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: Илк бор Қирғизистон жанубида инсультнинг тарқалиши ва «қаттиқ якуний нуқталари» (ўлим, ногиронлик ва шошилиш ётқизиш ҳолатлари) шаклланишининг иқлим-метеопатоген механизмлари комплекс эпидемиологик ва клиник-метеорологик усулларида исботланган таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 30 ноябрдаги 61-45u-сон билан тасдиқланган «Жанубий Қирғизистоннинг иқлим шароитида инсультларнинг хронобиологик ва хронометеопрофилактик жиҳатлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ўш давлат университети тиббиёт маркази (2023-йил 12-сентябрдаги 23-041/а-сонли буйруқ), Боткен вилояти Қизил-Қия шаҳридаги Умумий амалиёт ва радиология маркази (2023-йил 1-декабрдаги 20-035/б-сонли буйруқ) ва Ноокат тумани ҳудудий касалхонаси (2023 йил 10 ноябрдаги 26-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10-сон хулосаси. **Ижтимоий самарадорлиги:** Хронобиологик таҳлил ва хронометеопрофилактиканинг ишлаб чиқилган модели аҳоли орасида инсультнинг барча шакллариини эрта башорат қилиш, ташхислаш ва олдини олишни кескин яхшилаш имконини берган. **Иқтисодий самарадорлиги:** Инсультнинг хронобиологик таҳлили ва хронометеопрофилактикасининг ишлаб чиқилган моделини амалиётга татбиқ этиш натижасида ногиронликни камайтиришдан 138 874 635 миллион сўм маблағ тежалади.

иккинчи илмий янгилик: биринчи марта Ўш шаҳри шароитида мия инсультининг ойлар, суткалар ва соатлар, бедорлик ва тунги уйку даврлари

бўйича мониторинги ва хронометеопрофилактикаси учун тавсия этилган таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 30 ноябрдаги бi-45u-сон билан тасдиқланган «Жанубий Қирғизистоннинг иқлим шароитида инсультларнинг хронобиологик ва хронометеопрофилактик жиҳатлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. бўлиб Ўш давлат университети тиббиёт маркази (2023-йил 12-сентябрдаги 23-041/а-сонли буйруқ), Боткен вилояти Қизил-Қия шаҳридаги Умумий амалиёт врачлари маркази (2023-йил 1-декабрдаги 20-035/б-сонли буйруқ) ва Ноокат тумани ҳудудий касалхонаси (2023 йил 10 ноябрдаги 26-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10-сон хулосаси *Ижтимоий самарадорлиги:* Хронобиологик таҳлил ва хронометеопрофилактиканинг ишлаб чиқилган модели аҳоли орасида инсультнинг барча шакллари эрта башорат қилиш, ташхислаш ва олдини олишни кескин яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Инсультнинг хронобиологик таҳлили ва хронометеопрофилактикасининг ишлаб чиқилган моделини амалиётга татбиқ этиш натижасида ногиронликни камайтиришдан 138 874 635 миллион сўм маблағ тежаллади. Мия инсультини ойлар, кунлар ва соатлар, бедорлик ва тунги уйқу даврлари бўйича мониторинги ва хроноклиматометеопрофилактикаси бўйича тавсия этилган тизимлар ушбу патологиянинг ҳар қандай шакллари кечишини 60,3% дан 63,0% гача юмшата олади, уларни эрта аниқлашни 95,8% га оширади ва инсультлардан ўлимни камида 2 мартага камайтира олади.

учинчи илмий янгилик: илмий асосланган метеорологик омиллар таъсирини ҳисобга олувчи инсультларнинг хронобиологик мониторинги ва прогнозлаш тизими ишлаб чиқилган таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 30 ноябрдаги бi-45u-сон билан тасдиқланган «Жанубий Қирғизистоннинг иқлим шароитида инсультларнинг хронобиологик ва хронометеопрофилактик жиҳатлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ўш давлат университети тиббиёт маркази (2023-йил 12-сентябрдаги 23-041/а-сонли буйруқ), Боткен вилояти Қизил-Қия шаҳридаги Умумий амалиёт врачлари маркази (2023-йил 1-декабрдаги 20-035/б-сонли буйруқ) ва Ноокат тумани ҳудудий касалхонаси (2023 йил 10 ноябрдаги 26-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10-сон хулосаси. *Ижтимоий самарадорлиги:* Хронобиологик таҳлил ва хронометеопрофилактиканинг ишлаб чиқилган модели аҳоли орасида инсультнинг барча шакллари эрта башорат қилиш, ташхислаш ва олдини олишни кескин яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Инсультнинг хронобиологик таҳлили ва хронометеопрофилактикасининг ишлаб чиқилган моделини амалиётга татбиқ этиш натижасида ногиронликни камайтиришдан 138 874 635 миллион сўм маблағ тежаллади. Амалиётга татбиқ этиш натижалари Қирғизистон жануби аҳолиси ўртасида инсультнинг барча шакллари - 36,0% дан 95,8% гача ва

улардан ўлимни - 45,0% дан 98,2% гача, яъни максимал 2,2 ва 2,1 мартага камайтиришга кўмаклашади. Таклиф этилаётган моделни жорий этилгандан сўнг аҳоли ўртасида инсултнинг барча шакллари эрта башоратлаш, ташхислаш ва олдини олишни кескин яхшилаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: ҳудуднинг кескин континентал иқлим шароитида инсултлар ва уларнинг оғир асоратларини камайтириш бўйича илмий асосланган хронометеофилактик тавсиялар ишлаб чиқилган таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 30 ноябрдаги 61-45u-сон билан тасдиқланган «Жанубий Қирғизистоннинг иқлим шароитида инсултларнинг хронобиологик ва хронометеофилактик жиҳатлари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Ўш давлат университети тиббиёт маркази (2023-йил 12-сентябрдаги 23-041/а-сонли буйруқ), Боткен вилояти Қизил-Қия шаҳридаги Умумий амалиёт ва радиология маркази (2023-йил 1-декабрдаги 20-035/б-сонли буйруқ) ва Ноокат тумани ҳудудий касалхонаси (2023 йил 10 ноябрдаги 26-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрь 10-сон хулосаси. *Ижтимоий аҳамияти:* ишлаб чиқилган хронобиологик таҳлил ва хронометеофилактика модели аҳоли орасида инсултнинг барча шакллари эрта башоратлаш, ташхислаш ва олдини олишни кескин яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Инсултнинг хронобиологик таҳлили ва хронометеофилактикасининг ишлаб чиқилган моделини амалиётга татбиқ этиш натижасида ногиронликни камайтиришдан 138 874 635 миллион сўм маблағ тежаллади. Амалиётга татбиқ этиш натижалари Қирғизистон жануби аҳолиси ўртасида инсултнинг барча шакллари - 36,0% дан 95,8% гача ва улардан ўлимни - 45,0% дан 98,2% гача, яъни максимал 2,2 ва 2,1 мартага камайтиришга кўмаклашади. Таклиф этилаётган моделни жорий этилгандан сўнг аҳоли ўртасида инсултнинг барча шакллари эрта башоратлаш, ташхислаш ва олдини олишни кескин яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, шу жумладан 4 та республика ва 2та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Инсултни эрта аниқлаш, эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий масалалари, адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида аҳоли ўртасида инсултни эрта аниқлашнинг замонавий предиктив жиҳатлари ва масалалари таҳлил қилинган, шунингдек замонавий дунёнинг турли минтақаларида инсултнинг бирламчи, иккиламчи, учламчи ва тўртламчи профилактикасининг эпидемиологик илдизлари ҳам ўрганилган. Боб 4 та кичик бобдан иборат.

Диссертациянинг **“Эпидемиологик материалнинг умумий хусусиятлари ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари акс эттирилган. Ўш шаҳар тез тиббий ёрдам ва шаҳар клиник шифохонасининг неврологик бўлими маълумотларига кўра, 2016-2019йй. МИ (>18-90 ёшдаги 169 аёлларда ва 213 нафар эркакларда) 382 ҳолатлари аниқланган ва таҳлил қилинган (1-жадвал). Текширилганлар орасида: 20 ёшгача-1, 20-29 ёш-5, 30-39 ёш-8, 40-49 ёш-23, 50-59 ёш-102, 60-74 ёш-173, 75-89 ёш, 69 - 90 ёшлилар бўлган.

Умуман олганда, МИ ривожланишида аниқ ёшга боғлиқлик мавжуд.

1-жадвал.

Кўриқдан ўтказилган МИ нинг жинси ва йил бўйича тақсимланиши

Жинси	Текширилганлар сони				
	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2016-2019йй.
Эркак	46	46	64	57	213
Аёл	54	36	45	34	169
Жами	100	82	109	91	382

Таъкидлаш жоизки, МИ ни рўйхатгаолиш <20 ёшдан бошланган.

Эпидемиологик омиллар даражаси, метеорологик иқлим омиллари ва МИ частотаси мониторинги, ушбу хавф омиллари даражаси динамикасини ўрганиш ва баҳолаш, инсултнинг ва “сўнгги нуқталар”ни 4 йил давомида Ўш иқлим шароитида МИга нисбатан эпидемиологик вазиятнинг ўзгариши йўналишлари ва даражаларини аниқлаш бўйича битта истиқболли клиник-

метеорологик тадқиқот (2016-2019 йилларда бир вақтнинг ўзида ўтказилган 4 та, яъни, эпидемиологик-клиник-метеорологик тадқиқотлар асосида) ўтказилди.

Кўрик дастури қуйидагиларни ўз ичига олган: 1) Цереброваскуляр ва бошқа сурункали юқумли бўлмаган касалликларни аниқлаш учун нусха олувчи ва рўйхатга олувчи тадқиқотлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, (ЖССТ нинг 1990 йилдаги тавсияларига мувофиқ Россия АТМИТИ томонидан ишлаб чиқилган “бирламчи текширув харитаси”) ЖССТ стандарт сўровномасини (тиббий ҳужжатлар бўйича) тўлдириш; 2) артериал қон босими (АҚБ)ни ўлчаш маълумотларини баҳолаш; 3) антропометрик (бўй, вазн) маълумотларни ўрганиш ва баҳолаш; 4) овқатланиш характери ни ўрганиш ва баҳолаш; 5) хавф омилларини ўрганиш ва баҳолаш (чекиш, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, липид алмашинувининг бузилиши); 6) анамнестик маълумотларни ва ички аъзолар ва марказий асаб тизимининг (бош айланиши, қаттиқ бош оғриқлари, эс-хушнинг бузилиши, уйқучанлик, ступор, кўнгил айланиши, қусиш, кўриш ёки нутқни йўқотиш, ўчоқли аломатлар-неврологик етишмовчилик, ҳушдан кетиш, кома) физикал (кўрув, палпация, перкуссия, аускултация) аломатларини батафсил таҳлил қилиш билан чақирув карталарини бирламчи ўрганиш; 7) қон ва сийдикнинг умумклиник текширувлари натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 8) умумқабул қилинган мезон ва усуллар бўйича неврологик ҳолатни ўрганиш натижаларини ўрганиш ва баҳолаш.



1-расм. Тадқиқот дизайни

Инсулт ташхиси беморнинг характерли шикоятларига, клиник, лаборатор ва инструментал (МРТ, ЭЭГ, ЭхоКГ, доплерография) текширувлари асосида ишончли белгилар бўйича умумсоматик неврологик ҳолатнинг анамнезига асосланган ҳолда қўйилган. Ҳолатнинг ёмонлашиши,

субъектив аломатларнинг пайдо бўлиши метеорологик шароитларнинг ўзгаришига боғлиқлигига эътибор қаратилган. Инсултнинг умумқабул қилинган халқаро мезонлари ва таснифлари қўлланилган. Беморларда таъхиснинг верификацияси клиник кўринишларни (типик субъектив ва физикал, шунингдек неврологик ва клиник синдромлар), экспресс текширув усуллар натижаларини, шу жумладан функционал, инструментал, биокимёвий (умумқабул қилинган услуб бўйича қондаги холестерин ва триглицеридлар, креатинин ва глюкоза миқдорини аниқлаш) ва махсус: (неврологик усуллар) таҳлиliga асосланган. Ўш вилояти Гидрометеорология маркази билан метеорологик ва синоптик маълумотлар, қуёш нурлари (ҚН) ва умумий нурланиш тўғрисидаги архив ва жорий маълумотларни тақдим этиш тўғрисида шартнома тузилган.

Метеорологик маълумотларни ўрганиш ТМ-1, ТМ-2 ва ТМ-15 журналларидан нусха кўчириш орқали амалга оширилган. Ретроспектив равишда 2016-2019 йиллар учун асосий метеорологик омиллар (МО) бўйича: нисбий намлик (%да ХНН), ҳаво ҳарорати (ХХ °С да), атмосфера босими (мб да АтБ), шамол тезлиги (м/сон), қуёш нурининг давомийлиги (ҚН соат ичида СС), булут қоплами (балларда) ва ёгингарчилик (мм да) маълумотлар банки тўпланган. Ўрганилган хусусиятларнинг ўртача суткалик, ўртача ойлик, ўртача йиллик ва ўртача мавсумий даражалари ҳисоблаб чиқилган. Халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, нисбий метеохавф ва хавфга қарши омиллар ранг ўрни тизими бўйича навбатига кўра энг кучлиларидан бошлаб, мусбат, кейинчалик манфий жойлаштирилган (Каландаров Д. М., 2002).

Диссертациянинг **“Қирғизистон жануби иқлим ва об-ҳаво шароитларида инсултларнинг тарқалиши ва шаклланишининг минтақавий хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида биз томонимиздан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида иқлим ва об-ҳаво шароитида МИ шаклланишининг тарқалиши ва минтақавий хусусиятлари ўрганиб чиқилган.

Вазифаларга мувофиқ, МО нинг ўзгаришлари ва ифодаланганлигига кўра жинси, ёши, ижтимоий-демографик хусусиятлари ва инсулт аломатларининг характерига кўра фарқланувчи клиник-эпидемиологик скринингдан ўтган МИ билан касалланган барча беморлар комплекс эпидемиологик таҳлилдан ўтган.

2-жадвалда Ўш шаҳрида, яъни Қирғизистон жануби иқлим ва об-ҳаво шароитида >18-90 ёшдаги эркак ва аёлларнинг текширувдан ўтган гуруҳи орасида ишемик инсултнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

2-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, ишемик инсулт тарқалишининг эпидемиологик кўрсаткичларини ўрганишда ИИ аёлларга (43,4%) нисбатан эркакларда (56,6%) ишонарли даражада кенг тарқалган $P < 0,05$.

Кейинчалик, ИИ частотаси йиллар бўйича 2016-2019 йилларда таҳлил қилинди.

2- жадвал.

Ўш шаҳрининг иқлим ва об-ҳаво шароитида эркак ва аёллар орасида ишемик инсультнинг тарқалганлиги

Текширилганлар гуруҳи, статистик кўрсаткич	Инсультларнинг тарқалганлиги		
	N	n	%
Эркаклар	213	162	56,6
P	<0,05	<0,05	
Аёллар	169	124	43,4
Умумий аҳоли $\geq 18-90$	382	286	100,0

Изоҳ: бу ерда ва қуйидаги бошқа жадвалларда: N-умумий инсульт ҳолатлари, n-ишемик ёки геморрагик инсульт ҳолатлари.

Маълум бўлишича, 2016 йилда тадқиқот бошида $\geq 18-90$ ёшли аёллар орасида тарқалиш (41,8%) эркакларникига қараганда анча юқори (58,2%) бўлган ($p < 0,05$). Кейинги йилларда бу кўрсаткич эркакларда сезиларли даражада ошди, аёлларда эса ИИ тарқалиш частотасининг 43,1% (2017й.) ва 39,2% (2018й.) дан 32,9% (2019й.), яъни 19,2% га ($p < 0,05$) камайиш тенденцияси қайд қилинди. Жадвалдан кўриниб турганидек, тадқиқот йилларида ИИнинг тарқалиши, умуман олганда эркаклар ва аёллар орасида, қуйидаги даражалардаги фарқлар билан аниқланади: 2016 йилда - 41,8% ва 58,2% дан ($p < 0,05$), 2017 йилда. - 56,9% ва 43,1% дан ($p < 0,05$), 2018 йилда - 60,8% ва 39,2% дан ($p < 0,05$), 2019 йилда-67,1% ва 32,9% дан ($p < 0,01$). Эркакларда ИИ нинг тарқалиш частотасининг -41,8% дан 67,1% гача, яъни 1,6 мартага ёки 25,3%га сезиларли ўсиши кузатилган ($p < 0,01$).

Кейинчалик Қирғизистон жанубидаги иқлим ва об-ҳаво шароитида геморрагик ва умумий инсультнинг тарқалиши ва унинг минтақавий -гендерли хусусиятлари, Ўш шаҳри шароитида ГИ тарқалишининг гендерли хусусиятлари ўрганиб чиқилган, олинган маълумотлар умумлаштирилган ва 4-жадвалда келтирилган.

4- жадвал.

Ўш шаҳрининг иқлим ва об-ҳаво шароитида эркак ва аёллар орасида геморрагик инсультнинг тарқалиши

Кўриқдан ўтказилганлар, статистик кўрсаткич	МИ тарқалганлиги		ГИ тарқалганлиги	
	N	n	n	%
Эркаклар	213	51		53,1
P	<0,05			<0,05
Аёллар	169	45		46,9
Умумий аҳоли $\geq 18-90$	382	96		100,0

Эркаклар ва аёллар орасида ГИ тарқалишини қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, умуман олганда, эркаклар орасида ГИ частотаси сезиларли даражада юқори (53,1%), аёлларда эса ГИ эркакларга қараганда сезиларли даражада паст (46,9%) ($p < 0,05$). 4-жадвалда келтирилган маълумотлар

геморрагик инсулт билан касалланиш эркакларда аёлларга қараганда деярли 1,2 бараварга юқори (ёки 6,2% га) эканлиги тасдиқлаган.

Ўзгаришлар динамикасини ўрганиш учун 2016-2019 йиллар давомида эркак ва аёллар ўртасида ГИ нинг тарқалиши кўриб чиқилди (5-жадвал).

5-жадвал.

2016-2019 йилларда Ўш шаҳрида эркак ва аёллар орасида геморрагик инсултнинг тарқалиш динамикаси (1-қатор-аниқ. рақамда, 2чиси -%да)

Кўриқдан ўтказилганлар, статистик кўрсаткич	ИИ нинг йиллар бўйича тарқалиши				
	2016й	2017й	2018й	2019й	Жами 2016-2019йй
Эркаклар	15	9	19	8	51
	57,6	52,9	54,2	44,4	52,1
P	<0,05	<0,05	>0,05	<0,01	>0,05
Аёллар	11	8	16	10	45
	42,4	42,1	45,8	55,6	47,9
Умумий аҳоли ≥18-90	26	17	35	18	96
	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Олинган маълумотларга кўра (5-жадвал), ГИ аёлларга қараганда (47,9%) эркакларда (52,1%) нисбатан кенг тарқалган. Бу фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиб чиқди ($p>0,05$). Кузатувнинг турли йилларида уларнинг эркак ва аёллар ўртасида тарқалиш частоталарида мос равишда қуйидаги хусусиятлар кузатилади: 2016 йилда – 57,6% ва 42,4% дан ($p<0,05$), 2017 йилда – 52,9% ва 42,1% дан ($p<0,05$), 2018 йилда – 54,2% ва 45,8% дан ($p>0,05$), 2019 йилда- 44,4% ва 53,6% дан ($p<0,05$).

Кузатув йилларида эркаклар ўртасида ГИ 13,2% ёки 1,2 бараварга камайди ($p<0,05$), аёллар орасида эса, аксинча, 13,2% ёки 1,2 бараварга ошди ($p<0,05$).

Ўш шаҳри аҳолиси орасида ишемик инсултнинг ёшга кўра тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

2016-2019 йилларда ёшга қараб Ўш шаҳри аҳолиси орасида ишемик инсултнинг тарқалиш динамикаси

Текширилганларнинг ёш гуруҳлари	ИИнинг йиллар давомида тарқалиши									
	2016й		2017й		2018й		2019й		Жами: 2016-2019йй.	
	N	%	N	%	N	%	N	%	N	%
<20 ёш	1	0,03	00	00	00	00	00	00	1	0,03
20-29 ёш	2	3,0	00	00	1	1,0	1	1,0	4	1,0
30-39 ёш	2	3,0	1	2,0	2	3,0	0	00	5	2,0
40-49 ёш	5	7,0	4	6,0	5	7,0	3	4,0	17	6,0
50-59 ёш	17	23,0	18	28,0	21	28,0	11	15,0	67	23,0
60-74 ёш	22	30,0	28	43,0	36	49,0	44	60,0	130	45,0
75-89 ёш	25	34,0	14	22,0	9	12,0	13	18,0	61	21,0

≥90 ёш	00	00	00	00	00	00	1	1,0	1	0,03,
Жами:	74	100,0	65	100,0	74	100,0	73	100,0	286	100,0
r(+/-)										0,423
Мр(+/-)										102,0%
t										1,145
P										0,304227

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, ишемик инсульт <20 ёшдан бошлаб кузатилади. Ёш ошган сари ИИ нинг аниқланиш частотаси ошади. 6-жадвалдан кўришиб турибдики, кўрик ўтказилганларда ИИ нинг турли ёш гуруҳларида, улар қуйидаги тарқалиш частотаси билан учрайди: 20 ёшгача-8,03%, 20-29 ёшда-1,0%, 30-39 ёшда-2,0% (p<0,05), 40-49 ёшда-6,0% (p<0,01), 50-59 ёшда-23,0% (p<0,001), 60-74 ёшда-45,0% (p<0,0001), 75-89 ёшда-21,0% (p<0,001) ва ≥90 ёш гуруҳида-0,03%, умуман олганда, ёш ошиши билан ИИ улуши 22,5 бараварга ошади (p<0,001). Энг юқори кўрсаткичлар 2018й. (49,0%) ва 2019й. (60,0%)га, шунингдек 60-74 ва 75-89 ёш гуруҳларига тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, сўнгги 4 йил ичида 60-74 ёшдан ташқари барча ёш гуруҳларида ИИнинг тарқалиш частотаси қуйидагича: 20-29 ёшда-2,0% га, 30-39 ёшда-1,0% га, 40-49 ёшда-3,0% га, 50-59 ёшда-8,0% га ва 75-89 ёшда-16,0% га камайган.

≥90 ёшда ИИнинг нисбатан паст тарқалиши, “Касалликнинг атипик кечиши туфайли ташхисот етарли эмаслиги билан боғлиқ”. Бундай тушунтиришни бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам келтирилади¹.

Кейинчалик Ўш шаҳрининг кескинконтинентал иқлим шароитида геморрагик инсультнинг ёшга боғлиқ хусусиятлари кўриб чиқилган.

Ёш ортиши билан ГИ тарқалиш частотаси 0,01% дан (29 ёшгача) 36,0%гача (50-59 ёшда) ва 45,0% (60-74 ёшда) (r(+/-)=0,482; Мр(+/-)=179,4%; t=1,0101; P=0,351402) гача ортади.

Биз томонимиздан ГИ ва ёш ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион алоқа (r (+/-) = 0,482) мавжудлиги ўрнатилди. ГИ нинг энг юқори частотаси 2016й., 2017й., 2018й., 2019й. ва 50-59 ёш ва 60-74 ёш гуруҳларида кузатилади. Умуман олганда, турли ёш гуруҳларида ГИ 45,0% частотали фарқ билан аниқланади (P<0,001). ГИ частотасининг ўртача ўсиши 40-49 ёшдаги шахслар гуруҳида, яққол ифодаланган ўсиш 50 ёшдан бошланади.

Истиқболли клиник-метеорологик кузатувларнинг маълумотларига кўра куёш нури (ҚН) тебранишлари фониди инсультларнинг аниқланишини ўрганиш бўйича таҳлил натижаларига кўра, ХХ нинг ортиши билан умумий инсульт (ИМ) ХХнинг-5,2-1,9 °С да 8,0% дан ХХ +22-25,3°С да 17,0% га ва ХХ +25,4-28,7°С да 10,0% га, яъни, 1,2 мартага ёки 9,0% га (r⁺=0,380; Мр=31,5%, t=1,160; p=0,237553) ортади.

Худди шундай тенденция ишемик инсультга нисбатан ҳам қайд этилди. Текширилган аҳоли орасида ИИнинг аниқланиш частотаси ХХнинг даражаси

¹ Аджиева З. Б. Нукус шаҳри реестри бўйича ўткир мия инсультининг клиник-эпидемиологик тадқиқоти // тиббиёт фанлари номзоди диссертациясининг реферати.- Тошкент.-2011.- б. 7-11.

ва тебранишларига боғлиқ ҳолда 1,6 бараварга ёки 4,0% га ошади ($r^+=0,561$; $Mr=35,2\%$, $t=1,916$; $p=0,096963$). ИИ аниқланишининг юқори даражалари $XX+5,0-8,3^{\circ}C$ (13,0%), $+11,8-15,1^{\circ}C$ (13,0%), $+15,2-18,5^{\circ}C$ (12,0%) ва $+22-25,3^{\circ}C$ да (19,0%) аниқланади. ИИ нинг паст тарқалиш частоталари XX нинг- $1,8-1,5^{\circ}C$ (3,0%) ва $+8,4-11,7^{\circ}C$ (7,0%) даражасида тебранишларида аниқланди.

Шунингдек Қирғизистон жанубида геморрагик инсультнинг аниқланиши, бизнинг маълумотларимизга кўра, XX нинг кўтарилиши ва тебранишларга бевосита боғлиқ. 2016-2019 йиллар давомида ўртача ҳар йили ушбу метеорологик патоген омилнинг ўзгаришига қараб, ГИ ҳолатлари 3,0% (XX манфий бўлганда) ва 9,0 ва 8,0% (XX мусбат бўлганда) га ўсиши кузатилди. XX нинг пасайишида ҳам кўтарилишида ҳам ГИ ҳолатларининг кўпайиши қайд қилинган. Шундай қилиб, XX нинг турли даражаларида ГИ кўйидаги частотада аниқланади: $XX <-5,2-1,9^{\circ}C-14,0\%$, $<1,6-4,9^{\circ}C-17,0\%$, $<15,2-18,5^{\circ}C-11,0\%$ ва $XX >22-25^{\circ}C$ бўлганда - 10% ($r^+=0,391$; $Mr=59,1\%$, $t=1,200$; $p=0,26899$).

Бизнинг натижаларимиз шундан далолат берадики, 2016-2019 йиллар давомида $ХНН$ даражаси ва тебранишларига кўра умумий инсульт (МИ) кўйидаги даражаларда кузатилади: $ХНН <46\%-54,0\%$ да, $<47-55\%-14,0\%$, $<56-64\%-13,0\%$, $<65-73\%-8,0\%$, $<74-82\%-5,0\%$, $<83-91\% -3,0\%$ ва $> 92-100\% -3,0\%$.

Маълум бўлишича, МИ нисбатан юқори тарқалиш частотаси унинг паст даражаларда ва $ХНН <46-55\%$ даражасидаги тебранишларда аниқланади. Бу 2016-2019 йилларда, яъни 4 йиллик клиник - метеорологик тадқиқотлар давомида тасдиқланган. Кўринишидан, бу баланд тоғларнинг ўзига хос иқлимий хусусиятлари билан боғлиқ ва Фарғона водийсининг Ўзбек қисмида шошилиш ҳолатларга нисбатан олинган ўхшаш маълумотлардан кескин фарқ қилади, бу ерда $ХНН$ даражасининг ошиши туфайли ўткир шошилиш ҳолатлар кўпайган (Қаландаров Д.М., 2002й.). Ушбу маълумотларга аниқлик киритиш учун келажакда янги истиқболли тадқиқотлар талаб этилади.

$ХНН$ нинг турли даражаларида ишемик инсульт ҳолатларининг ривожланиши 53,0% ёки 27,5 мартага частотадаги фарқ билан аниқланади. 2016-2019 йилларда $ХНН$ нинг турли даражаларида аниқланиш частотасининг кўйидаги даражалари ажратиб кўрсатилган: $ХНН<46\%$ да-55%, $<47-55\%-15,0$, $ХНН<56-64\%$ да-13,0%, $ХНН<65-75\%$ да 7,0%, $ХНН<74-91\%-4,0\%$ ва $ХНН>92-100\%$ да 2,0% ($r^+ =-0,785$; $Mr=110,3\%$; $t=2,831$; $p=0,047310$ с/с).


$ХНН$ тебранишларининг паст ва юқори даражаларида ГИ-54% ($ХНН <46\%$ даражасида) частота билан аниқланади ва 5,0% ($ХНН >92-100\%$ да) даражасида, яъни 49,0% ёки 10,8 марта фарқ билан ($r^+ =-0,726$; $Mr=72,7\%$; $t=2,360$; $p=0,077632$ с/н).

ГИ ва $ХНН$ ўртасидаги боғлиқликлар ҳақидаги қонуниятлар барча йилларда (2016й., 2017й., 2018й., 2019й.) кузатилади. $ХНН$ нинг турли даражаларида ГИ ҳолатлари кўйидаги тарқалиш частотаси билан тасдиқланади: $ХНН <47-55\%$ - 11,0%, $ХНН 56-64\%$ да - 12,0%, $ХНН <65-73\%$ да - 9,0%, $ХНН <74-82\%$ да - 7,0% ва $ХНН <83-91\%$ да - 2,0%.

Таъкидлаш жоизки, инсультлардан “қаттиқ сўнгги нуқталар” (ҚСН) ривожланишининг метеопатоген механизмлари тадқиқотчилар томонидан етарлича ўрганилмаган ва Қирғизистоннинг жанубий вилоятларида бу масала махсус истиқболли эпидемиологик ва клиник-метеорологик тадқиқотларда ўрганилмаган. Шунинг учун бу масала тадқиқотимизнинг навбатдаги объекти ва мавзусига айланди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 4 йиллик кузатув даврида мия инсультидан ўлим-2016-2019 йиллар давомида $\geq 18-90$ ёшдаги эркеклар орасида (56,7%) аёлларга қараганда (43,3%); 1,3 баравар юқори бўлган $p < 0,05$.

2-расмда Қирғизистон жануби иқлим шароитида $\geq 18-90$ ёшдаги аҳоли ўртасида ишемик инсультдан “қаттиқ сўнгги нуқталар” тарқалишининг ёшга боғлиқ хусусиятларининг қиёсий таҳлил натижалари келтирилган.



2-расм. Ўш аҳолисида ўлим, ногиронлик ва инсультнинг эпидемиологик хусусиятлари.

Қирғизистон худудларида инсультларнинг клиник кечиши хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кам. Шунинг учун биз бу масалани Ўш шаҳри аҳолиси мисолида ўрганиб чиқдик. Ўш шаҳрида $\geq 18-90$ ёшдаги эркеклар ва аёллар ўртасида ИИнинг асосий клиник белгилари қуйидаги тарқалиш частотаси билан аниқланади: шовқинли тез нафас олиш ва тахикардия-50,0% ва 50,0% дан, қусиш-48,0% ва 52,0% дан ($p > 0,05$), тана ҳароратининг ошиши-100,0% ва $< 0,00\%$ ($p < 0,01$), гемипарез/гемиплегия-58,0% ва 42,0% ($p < 0,05$), нутқнинг бузилиши-64,0% ва 36,0% ($p < 0,01$), ҳушни йўқотиш-52,1% ва 47,9% ($p > 0,05$) ва АГ-54,00% ва 46,0% дан ($p > 0,05$).

$\geq 18-90$ ёшдаги текширилган эркеклар ва аёллар орасида ГИ нинг 7 асосий клиник белгилари тарқалиш частотаси бўйича қуйидаги хусусиятлар аниқланган: шовқинли тез нафас-0,00% ва 100,0% дан ($p < 0,01$), қусиш-42,0% ва 58,0% дан ($p < 0,05$), иситма-60% ва 40,0% дан ($p < 0,05$), гемипарез ва гемиплегия-44,0% ва 56,0% дан ($p < 0,05$), нутқ бузилиши-81,0% ва 49,0% дан ($p < 0,05$), ҳушдан кетиш-43,0% ва 57,0% дан ($p < 0,05$) ва АГ-51,0% ва 49,0% дан ($p < 0,05$).

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўртача йил давомида турли ойларда аҳоли ўртасида умумий инсулт тарқалиш частотасида фарқ билан аниқланади – 8,0% ($p < 0,05$).


Мия инсултининг энг юқори частотаси - октябрда (12,0%), апрелда (10,0%), январда (9,0%), августда (9,0%) ва декабрда (9,0%) учраши аниқланди. МИ нинг нисбатан паст частотаси - февралда (8,0%), мартда (8,0%), май (8,0%), июл (8,0%) ва сентябр ойларида (8,0%) қайд этилган. Энг паст частота билан июн (4,0%) ва ноябр ойида (7,0%) тасдиқланади.

Бизнинг натижаларимизга кўра, Қирғизистон жанубида ИИ тарқалишининг юқори даражаси – октябрда (12,0%), августда (11,0%), апрелда (9,0%) аниқланади. ИИ нинг нисбатан паст кўрсаткичлари – январ (8,0%, $p > 0,05$), феврал (8,0%, $p > 0,05$), март (8,0%, $p > 0,05$), май (8,0%, $p > 0,05$), июн (8,0%, $p > 0,05$) ва декабрда (8,0%, $p > 0,05$) кузатилади.

Диссертациянинг “**Жанубий Қирғизистон иқлим шароитида инсултнинг клиник кечишининг хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобида Жанубий Қирғизистон иқлим шароитида ишемик инсултнинг клиник кечишининг хусусиятлари келтирилган.

Ўш шахрининг $\geq 18-90$ ёшли эркаклари ва аёллари орасида ИИ нинг асосий клиник белгилари қуйидаги тарқалиш частотаси билан аниқланади: шовқинли тез-тез нафас олиш ва тахикардия-50,0% ва 50,0% дан, қусиш-48,0% ва 52,0% дан ($p > 0,05$), тана ҳароратининг ошиши-100,0% ва 0,00% ($p < 0,01$), гемипарез ёки гемиплегия-58,0% ва 42,0% ($p < 0,05$), нутқ бузилиши-64,0% ва 36,0% ($p < 0,01$), ҳушдан кетиш-52,1% ва 47,9% ($p > 0,05$) ва АГ-54,0% ва 46,0% ($p > 0,05$).

Маълум бўлишича, ёш инсултнинг клиник кечишига сезиларли таъсир кўрсатади (3-расм).



3-расм. Ош шахрининг кескин континентал иқлим шароитида инсултнинг клиник кўринишларининг ёшга боғлиқ хусусиятлари
 I ёш - ёшлар II ўр.ёш – ўрта ёш III кё – кекса ёш.

Ёшлар орасида ИИ ва ГИ нинг асосий аломатларининг аниқланиш частотаси мос равишда 8,7% ва 9,1% ($p > 0,05$) ўсиш билан аниқланди. Ўрта ёшли беморлар орасида олдинги ёш гуруҳига нисбатан ИИ ва ГИ клиник

